4.1. Махсулотларни танлаб олмаслик, шунингдек “Таъминотчи” шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун сотиб олувчи “Таъминотчи”га танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг 5 фоизи миқдорида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — 10 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

4.2. Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Таъминотчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. “Таъминотчи”:

- миқдор, сифат, шунингдек таклиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;
- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлик етказиб берилмаган, товар “Таъминотчи” сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлик етказиб бермаслик, оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

## 5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1.Келишмовчиликлар ва баҳслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга келганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

6.2 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичида ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

6.3. Шартңомага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиш муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортиқроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, бюджет маблағлари ҳисобидан бўлса ҳудудий ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил “31” декабригача амал қилади.

8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

## 9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Таъминотчи» | «Буюртмачи” |
|---|---|
| Ташкилот номи : Пойтуғ Азиз Фарм МЧЖ | Ташкилот номи: В. Ф.И.Ш. |
| Манзил: Избоскан тумани | Манзил: Избоскан тумани |
| Телефон: | Телефон: Факс: |
| Факс: | СТИР коди: 204776704 |
| СТИР коди: 303224335 | ХХТУТ: 91513 |
| ХХТУТ коди: | х/р : 100021860032147073201054001 |
| Х/Р: 20208000500446946001. | Моляи вазирлиги Газначилиги |
| Банк номи Ҳамкор банк | Х/Р: 23402000300100001010 |
| МФО: 00083 | Банк номи Марказий банк Тошкент ш.ХХКМ |
| | МФО: |
| Раҳбар: Солиқонов М. | Раҳбар: Э.Журмотов. |
| М.Ў. (имзо) (Ф.И) | М.Ў. (имзо) (Ф.И.) |

Юрист: Монорасулов. М (Ф.И.Ш.) (имзо) “____” __________2022 й (сана)

POYTUG' AZIZ FARM M.Ch.J. O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI ANDIJON VILOYAT FTIZIATRIYA SHIFOXONASI